

Тазкия дарслари (79-дарс). Закот олишнинг нозик одоблари



15:30 / 04.04.2020 6874

Закотни олувчи Қуръонда зикр қилинган саккиз синфдан бири бўлиши лозим. Унинг зиммасида бир неча вазифа бор:

Биринчи одоб: Аллоҳ таоло уни ғамга солган нарсани йўқ қилиш учун закот ибодатини жорий қилганини фаҳмласин ва барча ғамини йиғиб, битта ғамга – Аллоҳ таолонинг розилигини топишга айлантисин.

Иккинчи одоб: Берувчига ташаккур айтиб, унинг ҳаққига дуо қилсин. Лекин бу иши сабабнинг шукри миқдорида бўлсин. Чунки ҳадисда келганидек, «Одамларга ташаккур қилмаган Аллоҳга шукр қилмас».

Берилган нарса оз бўлса, уни оз санамаслик шукрнинг тугал бўлишидандир. Берилган нарсани ёмонламаслик, айбини беркитиш керак.

Буларнинг ҳеч бири неъматни Аллоҳ таолодан кўришга зид келмайди. Воситани восита деб билмаслик жоҳилликдир. Воситани асл деб билиш эса мункирликдир.

Учинчи одоб: Ўзига берилган нарсага назар солсин. Ҳалол нарса бўлмаса, мутлақо олмасин. Чунки бировнинг молидан чиқарилган закот закот эмас. Агар шубҳали нарса бўлса, ўзини олиб қочсин. Иложсиз қолгандагина ҳожатига ярашасини олсин.

Тўртинчи одоб: Ўзига мубоҳ бўлган миқдорда олсин. Ҳожатидан кўпни олмасин. Агар қарздор бўлса, қарзидан ортиқни олмасин.

ихтиёрий садақа ҳақида

Бошқа ибодатлардаги каби, садақа ва хайр-эҳсонда ҳам фарзу вожибдан кейинги ўринда ихтиёрийси туради. Албатта, садақанинг бу тури ҳам соҳибининг ўзига катта фойдалар келтиради.

عَقَدَّصَلَّانِ» لَأَقْلَسُوهُ لَعَلَّيْصَمَّيْبَلَّعُ، عُنَّعُ لَلَّيْضَرَّسَنَ أَنْ عَ
يْذَمَّرْتَلْهُ أَوْر. «ءَوْسَلَّاتِي مَوْعُغْفَدَتْ وَبَّرَلَّابْضَغُفْطَتَل

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, садақа Роббнинг ғазабини ўчиради ва ёмон ўлимни даф қилади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қай бир киши ҳалол-поқдан садақа қилса, Аллоҳ ҳалол-поқдан бошқани қабул ҳам қилмайди, албатта, Раҳмон у(садақа)ни ўнг қўли билан қабул қилиб олади. Агар у бир дона хурмо бўлса ҳам Раҳмоннинг кафтида ўсади. Ҳаттоки тоғдан ҳам катта бўлиб кетади. Худди бирингиз тойчоғи ёки бўталоғини тарбия қилганидек», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Термизий:

«Бунинг тасдиғи Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидадир: «Аллоҳ рибони нобуд қилур ва садақаларни ўстирур»ни зиёда қилган.

إِلٰهِي فُذِّبْ عِلْمُ الْحَبِصِ مَوِيَّ نَمَّامٌ : لَأَقْلَسُو هِيَ لَعَلَّيْ لَصَمَّيْبِن لِنَعْنَعُو
طَعْمُهُ لَلرَّحْمٰلُ لُوْقِيْو ، أَفَلَخَ أَقْفُنْمُ طَعْمُهُ لَلرَّحْمٰلُ : أَمْهُ دَحْ أَلُوْقِيْ فِنَ الرِّزْنِي نَاكَلَم
يُئِاسِّن لَوَانَا وَنَاخِي شَلَا أَمْهُ أَوْر . «أَفَلَتَ أَكْسَمُّمُ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бандалар тонг оттирган ҳар бир кунда албатта икки фаришта нозил бўлади. Улардан бири: «Аллоҳим! Инфоқ қилувчига ўринбосар бергин», дейди. Иккинчиси эса: «Аллоҳим! Мумсикка йўқотиш бергин», дейди», дедилар».

Иккисини икки Шайх ва Насоий ривоят қилишган.

Садақа эса сиртдан молнинг озайишига ўхшаб кўринса ҳам, аслида, Аллоҳ таоло садақаси берилган молни баракали қилиб қўяди. У эгасига юқади, бахт-саодат келтиради ва бало-офатлардан сақлайди.

Садақа ва хайр-эҳсон берувчи қўл яхши қўл, баракали қўл, хайр-эҳсонли қўл, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган, Аллоҳга ва Унинг Расулига хуш келадиган қўлдир.

«Руҳий тарбия» китобидан